VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 40 388 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 24 801 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 61,4 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 62,0 фоизи), савдо (9,4 фоизи), саноат (7,3 фоизи) ва қурилиш (4,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Жиззах вилоятидаги корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		*Фаолият кўрсатаётган*	
	бирлик	*жамига нисбатан фоизда*	*бирлик*	*жамига нисбатан фоизда*
Жами	**40 388**	**100,0**	**24 801**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25 021	62,0	10 130	40,8
саноат	2 931	7,3	2 787	11,2
қурилиш	1 870	4,6	1 803	7,3
савдо	3 418	9,4	3 613	14,6
ташиш ва сақлаш	615	1,5	590	2,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 175	2,9	1 105	4,5
ахборот ва алоқа	206	0,5	186	0,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	252	0,6	247	1,0
бошқа фаолият турлари	4 504	11,2	4 340	17,5

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 18 043 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 17 190 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,3 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 21,1 фоизи), саноат (16,2 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (14,8 фоизи) ва қурилиш (10,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Жиззах вилоятидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Рўйхатга олинганлар		*Фаолият кўрсатаётганлар*	
	бирлик	*жамига нисбатан фоизда*	*бирлик*	*жамига нисбатан фоизда*
Жами	**18 043**	**100,0**	**17 190**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 676	14,8	2 519	14,7
саноат	2 931	16,2	2 787	16,2
қурилиш	1 870	10,4	1 803	10,5
савдо	3 814	21,1	3 613	21,0
ташиш ва сақлаш	615	3,4	590	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 175	6,5	1 105	6,4
ахборот ва алоқа	206	1,1	186	11
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	252	1,4	247	1,4
бошқа фаолият турлари	4 504	25,1	4 340	25,3

Жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(2020 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)

	2020 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинганлар сони	*шунингдек, 2019 йил давомида:*	
		янги ташкил этилганлар	*тугатилганлар*
Жиззах вилояти	**40 388**	**4 815**	**969**
шаҳар:			
Жиззах	5 637	1 088	100
туманлар:			
Арнасой	2 805	240	39
Бахмал	3 326	227	29
Ғаллаорол	4 897	344	34
Шароф Рашидов	5 996	774	62
Дўстлик	1 691	176	154
Зомин	4 068	455	40
Зарбдор	2 941	557	97
Зафаробод	1 972	134	117
Мирзачўл	1 977	257	56
Пахтакор	1 832	178	60
Фориш	2 368	274	126
Янгиобод	878	111	55

2019 йилнинг январь – декабрда жами 4 815 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 4 601 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 1 088 та 22,6 фоизи), Шароф Рашидов тумани (774 та 16,1 фоизи), Зарбдор тумани (557 та 11,6 фоизи)ларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2020 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинганлар	*шунингдек, 2019 йил давомида:*	
		янги ташкил топганлар	*тугатилганлар*
Жиззах вилояти	**18 043**	**3 646**	**605**
шаҳар:			
Жиззах	5 538	1 081	99
туманлар:			
Арнасой	558	120	16
Бахмал	1 038	174	23
Ғаллаорол	1 394	293	32
Шароф Рашидов	2 985	629	50
Дўстлик	709	143	66
Зомин	1 477	312	40
Зарбдор	804	169	65
Зафаробод	512	93	13
Мирзачўл	648	134	26
Пахтакор	734	152	45
Фориш	1 247	262	102
Янгиобод	399	84	28

2019 йилнинг январь – декабрь ҳолатига (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 3 646 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 3 432 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 1 081 таси, ёки 29,6 фоизи), Шароф Рашидов (629 таси, ёки 17,3 фоизи) ва Зомин (312 таси, ёки 8,6 фоизи) туманлари ҳисссасига тўғри келади.

2020 йил 1 январь ҳолатига – 14 816 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4 539 та, оилавий корхоналар – 779 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 9 127 та, акционерлик жамиятлари – 20 тани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)



2020 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 3 646 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 3 432 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 29,6 фоизи), Шароф Рашидов (17,3 фоизи), Зомин (8,6 фоизи) ва Ғаллаорол (8,0 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 30,2 фоизи савдо, 20,7 фоизи саноат ва 15,2 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 605 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 251 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 41,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 181 тани ташкил этди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 181 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 64 та, Туркия Республикаси – 45 та, Россия Федерацияси – 40 та, Қозоғистон Республикаси 3 та ва бошқа давлатлар капитали иштирокида 29 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 117 таси қўшма корхоналар, 64 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

2019 йил январь-декабрь ойлари ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 61 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 27 та, Россия Федерацияси – 14 та, Туркия Республикаси – 8 та, Қозоғистон Республикаси 4 та ва бошқа давлатларнинг резидентлари капитали иштирокида 8 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар
(2020 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)

	2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаёт-ганлар сони	шундан	
		қўшма корхоналар	хорижий корхоналар
Жиззах вилояти	**181**	**117**	**64**
шаҳар:			
Жиззах	74	54	20
туманлар:			
Арнасой	8	6	2
Бахмал	5	3	2
Ғаллаорол	14	10	4
Шароф Рашидов	14	6	8
Дўстлик	4	2	2
Зомин	15	8	7
Зарбдор	2	1	1
Зафаробод	6	1	5
Мирзачўл	1	-	1
Пахтакор	9	8	1
Фориш	20	15	5
Янгиобод	9	3	6

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши
(2020 йил 1 январь ҳолатига)

	Корхоналар сони, бирлик	*жамига нисбатан, %да*
Жами	**181**	**100,0**
шу жумладан:		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29	16,0
Саноат	102	56,4
Қурилиш	8	4,4
Савдо	22	12,2
Ташиш ва сақлаш	5	2,8
Яшаш ва овқатланиш	5	2,8
Ахборот ва алоқа	3	1,7
Бошқа фаолият турлари	7	3,7

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 181 та корхонанинг 102 таси (56,4 фоизи) – саноат, 29 таси (16,0 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 22 таси (12,2 фоизи) – савдо, 8 таси (4,4 фоизи) қурилиш, 5 таси (2,8 фоизи) – яшаш ва овқатланиш, 5 таси (2,8 фоизи) ташиш ва сақлаш, 3 таси (1,7 фоизи) – ахборот ва алоқа ҳамда 7 таси (3,7 фоизи) бошқа соҳасига тўғри келади.

Кичик корхона ва микрофирмалар

2020 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 14 011 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йил 1 январь ҳолатига қараганда 25,1 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4 529 таси (32,3 %) Жиззах шаҳрига, 2 544 таси (18,2 %) Шароф Рашидов, 1 104 таси (7,9 %) Ғаллаорол ҳамда Зомин туманлари 1 094 таси (7,8 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг худудлар кесимида жамидаги улуши
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 14 011 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 3 602 та (25,7 %) – савдо, 2 765 та (19,7 %) – саноат, 2 481 та (17,7 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1 800 та (12,8 %) – қурилишда, 1 101 таси (7,9 %) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 587 таси (4,2 %) – ташиш ва сақлаш, 167 таси (1,2 %) – ахборот ва алоқа соҳаси, 165 таси (1,2 %) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1 343 таси (9,6 %) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва саноатга фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг иқтисодий фаолияти турлари буйича тақсимоти, %

2019 йил январь-декабрь ойлари ҳолатига 3 432 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 1 113 тага кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах шаҳрида (1 031 та), Шароф Рашидов (588 та), Зомин (304 та) ва Ғаллаорол (280 та) туманларида ташкил этилган. Энг кам Янгиобод (71 та), Зафаробод (86 та), Арнасой (113 та) ҳамда Мирзачўл (123 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдо (1 100 та), саноат (751 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (554 та), қурилиш соҳасида (438 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 184 та ташкил этилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўсатиш (34 та), ахборот ва алоқа (46 та), ҳамда ташиш ва сақлашда (103 та) ташкил этилган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатдан ўтган оиловий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 779 тани ташкил этди, улардан 733 таси ёки 94,1 % фаолият юритмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони бўйича маълумот
(бирликда)



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 42,6 % ёки 312 таси саноат, 20,9 % ёки 153 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 14,5 % ёки 106 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 13,6 % ёки 100 таси савдо, 0,7 % ёки 5 таси қурилиш, 0,3 % ёки 2 таси ахборот ва алоқа, 0,3 % ёки 2 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,1 % ёки 1 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 7,0 % ёки 52 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.